

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 12-сон



Боши мұхаррір: Наманган давлат университети ректоры С.Т.Турғунов

Масъул мұхаррір: Илмий ишлар ва инновациялар бүйіча проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул мұхаррір үринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙТАИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Раширова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдураҳмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д., проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. F.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник мұхаррір: **Н.Юсупов**

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлиб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникикавий Кенгашининг 10.12.2021 йилдаги кенгайтирилган ийгилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига руҳсат этилган (**Баённома № 12**). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



ЎЗБЕК ЗИРОАТЧИЛИГИДА МОШГА МУНОСАБАТНИНГ ФОЛЬКЛОРДАГИ БАДИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ХУСУСИДА

Ўраева Дармоной Саидахмедовна

Бухоро давлат университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

профессори, филология фанлари доктори

Тўраева Лайло Омоновна

Бухоро давлат университети

Ўзбек тили

ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

e-mai: layloturayeva73@mail.com

тел: +998906376853

Аннотация: Ўзбекистон зироатчилигининг йирик бир соҳасини мошчилик ташкил қиласди. Мош кўпинча ловия билан бирга экилган. У халқ орасида севимли таом ҳисобланган. Шунинг учун бу экинни экиши, йигиштириб олиш ва пишириши билан боғлиқ маросимлар жараёнида халқ қўшиқлари шаклланган. Ушибу мақолада дехқончилик қўшиқларининг бир туркуми бўлган мош қўшиқларининг бадиий хусусиятлари, бу борада ўтказиладиган маросимлар ва халқ орасида бу билан боғлиқ иборалар талқини ҳақида сўз юритилади.

Калим сўз ва иборалар: дехқончилик қўшиқлари, дуккакли экинлар, мош, нўхат, ловия, мошхўрда, мошоба, мошкичири, мошсомса, "етти", "қора ош", маросим.

Ўзбекистон зироатчилигининг йирик бир соҳасини мошчилик ташкил қиласди. И.Жабборов ёзганидек: "Маҳаллий хўжаликларда қадимдан дуккакли экинлар муҳим аҳамиятта эга бўлган. Айниқса, мош кенг тарқалган".⁹⁸

Мош кўпинча ловия билан бирга экилган. Уларнинг пояси мол-ҳол учун ем-хашакка ҳам ишлатилган. Хусусан, мош халқ орасида севимли ҳисобланган. Чунки буғдой ҳосили кам бўлган йилларда халқ кўпроқ мошдан фойдаланган. Шунинг учун бу ҳолат бизгача етиб келган айрим халқ қўшиқларида ҳам ўз қайдини топган:

Момом-момом мош йиғди,

Талака буғдой кам бўлса.

Ўроқчи дехқонларнинг турмуш тарзини, ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи "Тошмадингми, қора дарё" туркумидаги ўрим қўшиқлари таркибида мош ҳақида куйланган мисралар ҳам мавжуд:

Арзин айтиб йиғлади мош,

Хеч кимса йўқ менга йўлдош.

Кунда қозонда иссиқ ош,

Тошмадингми, қора дарё?

Мош тилидан куйланеётган бу қўшиқда мош образи орқали дехқон образига ишора қилинаётир. Бизнингча, бунда мош пиширилиши учун ҳимоя пўстлоғидан ажратиб олиниши ва унинг куйиб-пишишидан бошқаларга ризқ етиши ҳолати мантиқан дехқоннинг ҳам куйди-пишди бўлиб етиштирган ҳосили гоҳ унинг меҳнатини қадрлайдиган, гоҳ қадрламайдиганлар олдига ош бўлиб боришига ачинишига ишора

⁹⁸ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.104.



қилиш учун восита қилинмоқда. Шу маънода мошни камбағал дехқонларнинг рамзий образи сифатида кўрсатиш мумкин. Қолаверса, камбағал дехқон хонадонларида мош асосий озиқ турларидан бири бўлган. Ундан мошхўрда, мошоба, мошкичири, мошсомса тайёрланган. Шунинг учун юқоридаги қўшиқда дехқон тилидан арз этиб куйланар экан, мошнинг ёлғизлиги, ёнида йўлдоши йўқлиги, яни қозонда ўзидан бошқаси қайнамаётгани, ёғли паловлар унга шерик бўлмаётгани маълум қилинмоқда. Дехқон мошоба ва мошкичири тайёрласа, ёнига гуруч қўшиб, мошга йўлдош қилиб солишга ҳам иложи етмаётганидан ўкинади. Бундай овқатнинг таъми ва кучи гарчи ўзига яраша бўлса ҳам, дехқон қозони қайнаётганидан, иссиқ овқатга оғзи етаётганидан шукр қиласи.

Эътиборли томони шундаки, ўзбек халқи анъанавий дехқончилик машғулоти билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар тизимида мош йиғиб олиш жараёнида “Мошоба” сайли ўтказилгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Шу жараёнда куйланадиган “Мошобанинг моши бор” қўшиғи ижро қилинган:

Мошшобанинг моши бор,

Ичида қуй гўшти бор.

Мошбажон, мошоба,

Ғур-ғуру-ғур мошоба.

Дард кўрмасин қўлингиз,

Яшнаб турсин гулингиз.

Ковлар момолар,

Секин айтиб дуолар.

Мош сайлида моши полов,

Килиб келинг от улов.

Қарию ёш, йигит-қиз,

Ўйнасин, кулсин ҳаргиз.

Саратонда мошутро,

Табиб дер: Янги сафро.

Мошкичири табобат,

Тандан кетар жароҳат.

Хинду Осиё таоми,

Завқли сайл айёми.

Этиб “Оши бибиён”⁹⁹,

Мошдир юз дардга дармон.

Бухорода ўрик сероб,

Мухашшири – ғўлунгоб¹⁰⁰.

Дошқозонда Ош ўмоч,

Солинди наъно, равоч.

Мошобанинг моши бор,

Ичида қуй гўшти бор.

Мошбажон, мошоба,

Ғур-ғуру-ғур мошоба.

⁹⁹ Бибисешанба маросимининг халқ орасидаги яна бир номи.

¹⁰⁰ Куритилган ўрикнинг эзилган суви.



Ушбу қўшиқ бир хил банд билан бошланиб, бир хил банд билан тутаган. Унда қўлланаётган “Мошобанинг моши бор” мисраси бошқа қўшиқлар учун ҳам кириш мисраси бўлиб келгани кўзга ташланади:

Мошованинг моши бор,
Ичида муштдек гўш(т)и бор.
Гўш(т)ини тўғрага пичоқ йўқ,
Қари қизда қучоқ йўқ.¹⁰¹

Қизиги шундаки, Мош байрами ва унга алоқадор “Мошоба” қўшиғини М.А. Петерсен “The Holiday of Moshoba” ва “The Songs of Moshoba” номлари билан инглиз тилига ҳам ўтирган. Унда “Мошоба – эшонларнинг оши”, яъни “Moshoba – the food of the mullah” таърифи келтирилган. М.А. Петерсен келтирган матнда шундай фикрлар баён этилган: “The holiday of Moshoba was celebrated in ancient times in Bukhara and nearby regions. This holiday took place in autumn when lentils were ripe. Many meals were prepared using lentils. The ceremony for the appreciation of the lentil was not only in Bukhara, but also in India and some other countries of Asia. The lentil is considered one of the most nutritious foods – 40-50% is starch, and 25 to 30 % protein – which is equal to meat. They are similar to black-eyed peas in taste, but don't increase in size as do black-eyed peas. The skin is inclined to be dry, but contains many vitamins. If they are boiled with almond oil they will be very creamy.

During the celebration of Moshoba, all the people gather in one place, and as they eat the Moshuba, they sing different folk songs and have fun. It was a holiday for the simple people. The poems, which were recited at the Moshoba holiday demonstrate the culture, hard-work, and friendship of the people and encourage good behavior”.¹⁰²

Таржимаси: “Мошоба байрами қадимда Бухоро ва унга яқин ҳудудларда нишонланган. Бу байрам куз фаслида ясмиқ пишган даврда ўtkазилган. Кўп овқатлар ясмиқдан тайёрланган. Ясмиқ (мош)ни қадрлаш маросими нафақат Бухорода, балки Ҳиндистон ва Осиёнинг айрим ҳудудларида ҳам нишонланган. Ясмиқ энг тўйимли озиқ-овқатлардан бири саналади, 40-50 % крахмал ва 25-30 % оқсидан ташкил топган бўлиб, истеъмол қуввати гўштга тенгdir. Унинг таъми қора кўзли нўхатга ўхшамайди, аммо унинг ҳажми қора нўхатдек катта эмас. Унинг пўсти қуруқ бўлиб, кўп витаминаларга бой. Агар уни бодом ёғи билан бирга қайнатилса, қуюқлашади.

Мошоба байрамини нишонлашда ҳамма одамлар бир жойда йиғилишади. Байрамнинг асосий таоми – мошобани ичиб, турли хил халқ қўшиқларини куйлаб, хурсандчилик қилишади. Бу оддий меҳнаткаш халқнинг байрами ҳисобланган. Базмда куйланадиган қўшиқлар маданият, меҳнатсеварлик, дўстликни мадҳ этиб, одобиликка ундейди”.¹⁰³

Мошнинг маросим таомларида ишлатилиши тўй, мотам, диний-ибодат маросимлари билан боғлиқ қўпгина урф-одатларда кузатилади. Масалан, “Етти” деб аталувчи мотам маросимида тузсиз чалпак билан “қора ош” – гуручизиз мошли мастава

¹⁰¹ Мисол келтирилган қўшиқ матнлари мақола муаллифлари томонидан ёзиб олинган.

¹⁰² Petersen M. A Treasury of Uzbek Legends and Lore. Edited and Adapted to American English by Marilyn Petersen. – T.:Qatortol-kamolot. 2000. – P.135.

¹⁰³ Таржима ўзимизники.



пиширилади.¹⁰⁴ Бунда мош, ловия кабилар солинган овқатнинг ранги қорамтири тус олиши эътиборга олинган. Шу асосда мотамга хос қайғу, бахтсизлик тушунчаларини қора ранг орқали рамзий ифодалаш кўзда тутилган.¹⁰⁵ “Қора ош” деганда, қора ранги қайғу-мусибат маъносини ифодалашга хизмат қилган.

Никоҳ тўйида чимиидикқа киритилган келин-куёвга мош ва гуруч қўшилган мастава ичирилиб, худди шу овқат таркибидағи мош ва груч каби ёшлар бир-бирига қўшилиб кетсин деган истак рамзий ифода этилган. Хцудди шундай урф-одат, анъаналар таъсирида халқ лирик қўшиқларида ўз ёрини интиқ кутаётган ошиқ-маъшуқлар тимсолини бадиий ифода этиш учун “Қозонда қайнаган мош” образи анъанавий образлардан бирита айланба борган:

Қозонда қайнайди мошнинг донаси,

Дарёда ўйнайди ёрнинг кемаси.

Кемачилар, кемангизга ўтиринг,

Ёримжонни номозига етиринг.

“Бибисешанба” ёки “Ошибибиён” номли диний-ибодат маросимида мош, ловия қўшиб тайёрланган ўмос номли таом шу маросимнинг асосий ритуал таоми ҳисобланади. Унинг тайёрланиши уграга ўхшаб кетади, бироқ ўмочга гўшт солинмайди. У сутта майда чопилган хамир, туршак (ўрик қоқиси), мош, нўхат, ловия солиб пиширилади.¹⁰⁶

Мошли овқатларнинг ритуал таом сифатида магик кучига ишониш тушунчалари кейинчалик халқ қўшиқларида мош//ош сўзларининг қофия сифатида семантик-ритмик мувофиқлигини таъминлаган, дейлиш мумкин. Чунки халқ қўшиқларида бу иккала сўзниң қофиялантириб келтирилиши кўп кузатилади. Масалан:

Дарё тубан оқади ошдай бўлиб,

Сув қуриса, тан қолар мошдай бўлиб.

Ўзим ёмон бўлсан ҳам ёrim яхши,

Билинмайди серқатиқ ошдай бўлиб.

Шунингдек, халқ қўшиқларида мош // тош сўзларининг қофиядошлиги ҳам кўп кузатилади:

Отизда пишган мошдай,

Гапи, сўзи тошдай,

Овсинбикага бир салом.

Халқ тилида мош билан боғлиқ “қўзи мошдай очилмоқ”, “қўзи мошдай чатнаган” сингари ибора (фразеологизмлар ҳам учрайди. Халқ қўшиқларида бундай иборалардан ҳам образлиликни қучайтириш учун қўлланилгани намоён бўлади. Жумладан:

Остонадан ҳатлаган,

¹⁰⁴ Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилishi: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б.129.

¹⁰⁵ Рўзиева М. Ўзбек қўшиқларида ранг символикаси. – Т.: Фан, 2018.

¹⁰⁶ Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилishi: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б.132.



Кўзи мошдек чатнаган
Амакисига бир салом.

Баъзан катталар болалар учун кади (ошқовоқ)нинг ичини сувини қочмай тозалаб, ичига мош, ловия, нўхат, макка кабиларни солиб қуритишган. У қуригач, ичидағилар тўкилиб кетмайди ва қимиirlатса, ёқимли овоз чиқаради. Бундай нарсалар болалар учун ўйинчоқ сифатида тайёрланган. Мана шу маънода қуийдаги қўшиқда ичида моши бор дутор ҳақида сўз бормоқда:

Дуторим тинг-тинг этади,
Ичида мош бормикан?
Ёр мени ташлаб кетади,
Дилида ғаш бормикан?

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек зироатчилигида, маросим ва урф-одатларда мошга этнографик муносабат фольклорда унинг бадиий талқин топишига замин яратган. Ўзбек фольклорида мош тотемизмrudimentларининг бадиий ифода воситаларидан бири сифатида образлантирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. - Т: Фан, 1974.-Б. 222.
2. Имомов К., Мирзаев.Т, Саримсоқов Б., Сафаров.О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 1990. –Б.304
3. Саримсоқов Б. Деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари. Ўзбек фольклори очерклари. З томлик. 1 – том. - Т.: Фан, 1998 й.
4. Сафаров О., Имомов К. Бойчечак. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Болалар фольклори. Меҳнат қўшиқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
5. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Т.: Фан, 1986 й.
6. Қалдирғочни қўндирган қўшиқ. Меҳнат қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи К.Очилов. – Самарқанд: Зарафшон, 1997.
7. Очилов К. Соғим қўшиқлари ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 2-сон, 72-74-бетлар.
8. Мирҳайдаров Ҳ. Қофиянинг лирик шеър композициясини яратишдаги роли. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1972, 4-сон, 51-55-бетлар.
9. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти. ДДА. - Т., 1995.
10. Камолов Жамол. Лирик шеъриятда композиция. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1973, 3-сон, 27-бетлар.
11. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвоэтик хусусиятлари. - Т.: Фан, 2005.
12. Асогирлар ва ривоятлар. Тўплаб нашрга тайёрловчилар: М.Муродов, М.Шайхова. - Т.: Ёш гвардия, 1990. -Б.128.
13. Асрларга тенгдош қўшиқлар. (Урф-одат ва маросимларимизга доир қўшиқлар мажмуаси). Тузувчилар: Ж.Эшонқулов, И.Абдураҳмонов.
14. Turaeva U. R. The Scientific Value Of Research On Mirmukhsin Fikriy //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 08. – С. 583-589.
15. Rajabova R. Z. A LITERARY RIDDLE FROM A FOLK RIDDLE //European Scientific Conference. – 2020. – С. 139-141.



16. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – Т. 4. – С. 170-174.
17. Муродов Г. Н., Шамсиiddинова С. Б. ЭНКИДУ И КОРАДЖОН-СИМВОЛ ДРУЖБЫ //European Scientific Conference. – 2020. – С. 189-191.
18. Муродов Г., Сайдова Р. Интерпретация терминов и их анализ //Молодой ученый. – 2017. – №. 13. – С. 703-705.
19. Vohidov R., Eshankulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – 2006.
20. EŞONKULOV H. ALİ ŞİİR NEVAÎ GAZALLERİNDEKİ SIR TUTMAKLA İLGİLİ DÜŞÜNCELERİN İRFANI ANLAMLARI HUSUSUNDA //Electronic Turkish Studies. – 2018. – Т. 13. – №. 28.
21. Axmedova S. THE ROLE OF THE JADID PRESS IN THE FORMATION OF UZBEK LITERARY CRITICISM //Конференции. – 2021.
22. Davronova S. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEKNOVELS //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9).
23. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – Т. 5. – №. 2. – С. 32-35.
24. Уракова Н. Стиль писателя в современных узбекских поэмах //International scientific review. – 2019. – №. 1 (41).
25. Urokova N. GENRE RESEARCH IN UZBEK POEMS OF RECENT TIMES //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 8. – С. 57-59.
26. Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020.
27. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
28. Jurayevna B. N. A WORTHY RESPONSE TO HAFIZ'S GHAZAL //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 227.
29. Jurayevna B. N., Kiyomiddinovna C. M. LIFE AND LITERARY HERITAGE OF ABDURAHMON TAMKIN BUKHARI //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 159.
30. Jurayevna B. N. Potential of language and artistic art //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – С. 63.
31. Amonova Z. CONFLICT INTERPRETATION IN CLASSICAL LITERATURE //Конференции. – 2020.
32. Тураева Л.О. ARTISTIC AND COMPOSITIONAL FEATURES OF HARVEST SONGS// Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- С. 629-634.
33. Rakhsiddinovna, S. Z. EY, SAFHAYI RUXSORING AZAL XATIDIN INSHO. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY, 112.



103	Физикага оид масалаларни ечишда моделлаштириш методига мослаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари Эштемиров А. Н	523
104	От спортини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари Абдуманнотов А. М., Ибрагимова Д.М.	530
105	Божхона органларидағи коррупцияяга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари таҳдили Рахимов С.А	534
106	Талабаларда миллий армияга садоқат туйғусини шакллантиришнинг педагогик муаммолари Бобожонов Н. Н	544
107	Raqamli jamiyat va raqamli madaniyat. Maxmudov A. Z	549
108	Sport bilan shug'ullanuvchi o'smirlarning asosiy ozuqalarga bo'lgan extiyoji Atamuxamedova M.R., Ergashev A.A	552
109	Fizikadan olimpiada masalalarini integrallab yechish metodikasi Tursunova Sh. M., Xomitov Sh. A., Boliev O.I.,	557
110	O'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning finlyandiya tajribasi (texnologiya darslari misolida) Tursunov J.E.	561
111	Чет тилини ўқитишининг назарий асослари Авазматова М.М	565
112	Инсерт-стратегия при изучении «повестей белкина» А.С.Пушкина (Повесть «метель»). Буранова Н.Ш	570
113	Янгиланиш стратегиясида маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти Бурханов Т.М.	574
114	О методе опорных технологий обучения на занятиях по русскому языку в вузах Джалалова С.М.....	579
115	Matematika o'qitish jarayonida matematik qonuniyatlarni topishga doir masalalar yechish orqali o'quvchilarning ijodiy faoliyatini rivojlantirish Djurakulova A.X	584
116	Мактабгача таълим ташкилотларида нафас олиш гимнастикасини ўтказишга доир тавсиялар Нематов Б.И	590
117	Жўрнавозлик ва ансанбл ижроилиги тарихидан Каримова М.В	597
118	Специфическая кадровая подготовка медиков-физиков – важный аспект здоровья будущего поколения Зоирова Л. Х	601
119	Техника фанларини ўқитишда талабаларнинг китоблар билан ишлапшларини шакллантиришнинг ноананавий усули Асатиллаев Й. М., Катаева М.М.	606



120	Мониторинг как управляемый процесс: способы и средства сбора мониторинговой информации Ахметова К.И	611
121	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini barkamol inson qilib tarbiyalashda xalq milliy o'yinlari orqali mustaqil fikrashga o'rgatishning pedagogik-psixologik asoslari Qo'chqorov U.L	619
122	"Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси" ва қизлар тарбиясининг илмий-педагогик масалалари Бакиева М.К.	624
123	Ўзбекистоннинг маданий анъаналарини сақлаб қолиш Рахмонова М.Х.	631
124	Инновация повышения эффективности в обучение технике легкоатлетических упражнений Бокиев А.А., Абдуганиев И. А	636
125	Ўқитувчи эргономик маданияти ва talis-ҳалқаро баҳолаш дастурининг узвий боғлиқлиги Абдуллаев С.Х.	639
126	Бошланғич синфларда француз тили лексикасини ўргатишида интерфаол усуслардан фойдаланиш Бобоханов М.Я., Дадабоев С.М.	644
127	Бўлажак муҳандисларнинг тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантиришда физикадан амалий машғулотларнинг ўрни Махманов Э.Б	648
128	Boshlang'ich ta'lilda ekologik xavfsizlik madaniyatini shakllantirishning metodologik asoslari Muxtarova L.A.	657
129	Олий таълимда этно-экологик маданиятни шакллантиришнинг мавжуд ҳолати ва истиқболдаги устувор йўналишлар Пулатова Н. Р	662
130	Бўлажак мутахассисларни мутахассислик фанларини ўқитишида лойиҳалаш компетенцияларини шакллантириш зарурияти Давронова М. У	668
131	Maktabda geometriyani fanlararo sinxron-asinxron aloqadorlikda o'qitishda o'quvchi kreativ faoliyatni va qobiliyatni orasidagi bog'liqlik Sobirova M.R., Toshpulatova N.Sh	674
132	Юқори интенсивликдаги ҳафталик амалиётда ёш гимнастикачиларнинг мусобақаолди тайёргарлик босқичи Умаров Дж.Х.....	682
133	Ақли заиф ўқувчиларида математика дарсларида фанлараро боғланишлар асосида геометрик тушунчаларни шакллантириш Абицова Н.К.	691
134	Олий таълим тизимида техника йўналишидаги талабаларни ўқитишида компетентлик таълим жараёни ривожланишининг мухим омили Йўлчиев М.Э.	699



135	Совершенствование практической подготовки студентов по педагогическим вопросам Рафикова Д. К., Каримова М.О.	704
136	Самообразование как развивающая деятельность студентов Ашуррова С.А.	712
137	Роль художественной культуры при развитии личности специалистов нового поколения Ахмедова Н.М.	715
138	Толерантлик сўзи қандай маънно англатади? Якуббаев М.М.	720
139	Jismoniy yuklamalarda o'zini-o'zi nazorat Umarov A.A.	723
140	Физикани ўқитишида уильям томсон ҳаёти ва илмий ижодига оид тарихий материаллардан фойдаланиш Чариев М.М.	728
141	Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни таълимга жалб этиш Холмирзаев Ш.А.	734
142	О некоторых особенностях начального этапа обучения студентов нефилологических направлений вузов Узбекистана русскому языку как иностранному Юсупов М.Р.	737
143	Ўзбек зироатчилигига мошга муносабатнинг фольклордаги бадиий талқинлари хусусида Ўраева Д.С., Тўраева Л.О.	742